

VII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг маълумотига кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 542 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2017 йил январь-декабрь ҳолатига)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан %да	млн.сўм	жамига нисбатан %да
Ўзбекистон Республикаси	542	100,0	228281,2	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	52	9,6	6537,7	2,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	61	11,2	5012,8	2,2
Бухоро	9	1,7	8025,1	3,5
Жиззах	50	9,2	3336,1	1,5
Қашқадарё	16	3,0	8293,5	3,6
Навоий	14	2,6	1248,3	0,5
Наманган	52	9,6	29809,1	13,1
Самарқанд	22	4,0	4198,2	1,8
Сурхондарё	64	11,8	3998,0	1,8
Сирдарё	18	3,3	1794,7	0,8
Тошкент	84	15,5	28586,9	12,5
Фарғона	40	7,4	10984,1	4,8
Хоразм	39	7,2	3536,9	1,5
Тошкент ш.	21	3,9	112919,8	49,5

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 84 тани (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 15,5 %), Сурхондарё вилоятида – 64 тани (11,8 %), Андижон вилоятида – 61 тани (11,2 %), Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятида – 52 тадан (9,6 %), Жиззах вилоятида – 50 тани (9,2 %), Фарғона вилояти – 40 тани (7,4 %) ташкил этди.


**2017 йилнинг январь- декабрида вазирлик ва идоралар кесимида
хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби**
(жамига нисбатан % да)



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 341 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 62,9%), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 66 объект (12,2%), Халқ таълими вазирлиги – 58 объект (10,7%), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – 16 объект (3,0%), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги – 11 объект (2,0%), “Навоий кон металлургия комбинати” ДК – 10 объект (1,8%) тўғри келади.

2017 йилнинг январь-декабрида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 228,3 млрд. сўмни ташкил қилди.


**2017 йилнинг январь-декабрида республика ҳудудлари кесимида давлат
мулкни сотишдан тушган тушумлар таркиби**
(жамига нисбатан % да)



Ҳудудлар кесимида давлат мулкни сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 49,5 %), Наманган (13,1 %), Тошкент (12,5 %), Фарғона (4,8 %), Қашқадарё (3,6 %), Бухоро (3,5 %) вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,9 %) ҳиссасига тўғри келади.

Давлат нотурааржой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2017 йилда объектларни ижарага бериш бўйича 31,6 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди. Бунинг натижасида 17,1 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумлари жами 104,6 млрд. сўмни ташкил этди.

2017 йилда давлат мулкани ижарага бериш бўйича тезкор маълумот
(жамига нисбатан % да)



Худудлар кесимида давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 45,1%), Тошкент (8,2%), Андижон (5,8%) ва Самарқанд (5,4%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.